# Уйларингизни қабристон қилиб олманглар. Шайтон Бақара сураси ўқиладиган уйдан қочади», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уйларингизни қабристон қилиб олманглар. Шайтон Бақара сураси ўқиладиган уйдан қочади», дедилар.
[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда инсонлар уйларини намоздан узиб, намоз ўқилмайдиган қабристон каби қилиб қўйишларидан қайтармоқдалар. (Шунинг учун суннат намозларини уйда ўқиш суннатдир. Уйларимизда нафл намозларни кўпроқ ўқир эканмиз кўпроқ файзу барака киради). Сўнгра Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шайтон Бақара сураси ўқиладиган уйдан қочишини хабар бердилар.

https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/6208

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY
لجنة الدعوة الإلكترونية
EDC E-Da'wah Committee